

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Ped.72.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

САМАДОВА САРВИНОЗ САМАД ҚИЗИ

ТАЛАБА ЁШЛАРНИ БАҒРИКЕНГЛИК РУҲИДА
ТАРБИЯЛАШДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

13.00.01. – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Самадова Сарвиноз Самад кизи

Талаба ёшларни бағрикенглик руҳида тарбиялашда маънавий-маърифий тадбирлар самарадорлигини оширишнинг педагогик асослари 5

Самадова Сарвиноз Самад кизи

Педагогические основы повышения эффективности духовно-просветительских мероприятий в воспитании студенческой молодёжи в духе толерантности 23

Samadova Sarvinoz Samad kizi

Pedagogical bases of increasing the effectiveness of spiritual and educational activities in educating students in the spirit of tolerance 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 47

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Ped.72.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

САМАДОВА САРВИНОЗ САМАД ҚИЗИ

**ТАЛАБА ЁШЛАРНИ БАҒРИКЕНГЛИК РУҲИДА
ТАРБИЯЛАШДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ**

13.00.01. – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/Ped566 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Махмудов Мэлс Хасанович
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Маъмуров Баҳодир Бахшуллаевич
педагогика фанлари доктори, профессор

Тайланова Шохид Зайниевна
педагогика фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Ped.72.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «19» июль соат 9:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0365) 221-29-14; факс: (0365) 221-29-14, e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz Бухоро давлат университети кичик мажлислар зали, 2-қават, 201-хона).

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (71 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0365) 221-29-14; факс: (0365) 221-29-14).

Диссертация автореферати 2021 йил «07» июль кuni тарқатилди.
(2021 йил «05» июль даги 1 - рақамли реестр баённомаси).



С.Қ. Қаҳоров
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

М.Ф. Атоева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, п. ф. ф. д. (PhD), доцент

Х.О. Жўраев
Илмий даражалар берувчи Илмий Кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п. ф. д., (DSc), доцент

КИРИШ (докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда юз бераётган ижтимоий-сиёсий интеграция, глобаллашув жараёнида халқлар, миллатлар, давлатлар ўртасида тинчлик ва барқарорликни таъминлашда миллатлараро ҳамда динлараро бағрикенглик ғояси муҳим аҳамият касб этади. Таълим тизими ёшларни бағрикенглик руҳида тарбиялашнинг муҳим омили сифатида эътироф этилиб, ривожланган давлатларда таълим жараёнини байналмилаллаштириш асосида ижтимоий-иқтисодий ва маданиятлараро муносабатларда бағрикенг, креатив ва рақобатбардош кадрлар тайёрлашга устуворлик берилган.

Дунёнинг АҚШ, Буюк Британия, Россия, Германия, Жанубий Корея каби давлатларининг илмий-тадқиқот муассасаларида таълимнинг глобаллашуви жараёнида ёшларни бағрикенглик руҳида тарбиялаш, уларда миллий ва умуминсоний қадриятларга таянган билим ва кўникмалар мажмуини шакллантириш, таълим тизимида маънавий-маърифий ишларни ташкил қилишнинг инновацион технологияларига қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Илмий-педагогик тадқиқотларнинг истиқболли йўналишлари ёшларда бағрикенглик маданиятини ривожлантириш, маънавий-маърифий тадбирлар самарадорлигини оширишни тадқиқ қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистонда бағрикенглик ва инсонпарварлик маданиятини ривожлантириш, миллатлараро ва фуқаролараро ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, ёш авлодни шу асосда, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган. Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирларида «Ёшларни ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик руҳида тарбиялаш»¹каби вазифалар белгиланган. Бу эса ёшларни бағрикенглик руҳида тарбиялашда маънавий-маърифий тадбирлар самарадорлигини оширишга қаратилган илмий тадқиқотларни янада чуқурлаштириш заруриятини юзага келтирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сон «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160-сон «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида», 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040-сон «Маънавий-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 августдаги «Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3907-сон қарори

маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 17 сентябрдаги 736-сон «Таълим тизимида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сон «Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация илмий натижалари маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижлик олимлардан Б.Реадон, Т.Адорно, Ж.Элпорт, С.Мендус, С.Хэллэр ва бошқаларнинг тадқиқот ишларида бағрикенглик тушунчасининг назарий асослари, мазмуни, бу хусусиятни таркиб топтиришнинг ҳуқуқий, ижтимоий ва маънавий қирралари, бағрикенглик ва замонавий жамият зиддиятлари масалалари ўрганилган ².

Рус олимлари А.М.Байбаков, Р.Р.Валитова, Д.В.Зиновьев, И.В.Крутова, П.Ф.Комогоров, О.Б.Скрябина, Г.Солдатова, М.Б.Хомяков ўқувчиларда бағрикенгликни шакллантириш соҳасида бир қатор тадқиқот ишларини амалга оширганлар ³.

Ўзбек олимларидан Э.Г.Каримова, З.М.Хусниддинов, Д.Алимова, Г.Арипова бағрикенглик тушунчасини асосан фалсафий, социологик, психологик нуқтаи назардан тадқиқ қилганлар ⁴.

² Бетти Реадон. Бағрикенглик: тинчлик сари олға қадам. 1997. –164 б; Allport G. The nature of Prejudice. Cambridge, MA, 1954. –41 б. Mendus S. Toleration // Encyclopedia of Ethics. New-York – London, 1992. - p. 1251.

³ Байбаков А.М. Воспитание толерантности у старшего подростка в условиях взаимодействия малых групп. Дис.канд... пед.наук. Волгоград. 2003. –149 б; Валитова Р.Р. Толерантность как этическая проблема: Авт. дис... канд. филос. наук. –М., 1997. –22 с; Зиновьев Д.В. Повышение педагогического мастерства будущего педагога на основе формирования социокультурной толерантности. Авт.дис... канд.пед.наук. –Новосибирск, 2000. –21 с; Крутова И.В. Формирование у старшеклассников отношения к толерантности как социально значимой ценности в обучении по гуманитарным дисциплинам. Авт.дис...канд.пед.наук. Волгоград, 2002. – 22 с; Комогоров П.Ф. Формирование толерантности в межличностных отношениях студентов вуза. Авт.дис...канд.пед.наук. –Курган, 2000. –24 с; Скрябина О.Б. Педагогические условия формирования коммуникативной толерантности у старшеклассников. Авт.дис... канд. пед. наук. – Кострома, 2000. –21 с. Солдатова Г.У. Аналитика практическая психология толерантности. www.tolz.ru/index.php; Философские и лингвокультурологические проблемы толерантности: Коллективная моногр./Отв.ред. Н.А.Купина и М.Б.Хомяков. –М.: ОЛМА–ПРЕСС, 2005. –542 с. (Золотая коллекция).

⁴ Каримова Э.Г. Ўзбек толерантлигининг этнорегионал хусусиятларини социологик ўрганиш. Дис.авт...соц.ф.н. –Т.: 2003. –23 б; Хусниддинов З.М. Ўзбекистонда диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш омиллари ва муаммолари: Дис.авт...фалс.ф.н. –Т.: 2000. –26 б; Хусниддинов З.М. Ўзбекистонда диний бағрикенглик. Монография. –Т.: Ислон университети, 2006. –164 б; Алимова Д. Жадидчилик ва диний бағрикенглик.//Тафаккур. Ж. 2005 № 4. 18–20–б. Арипова Г.Ш. Оилада толерантлик тафаккурини шакллантириш (ўсмир ёшли болаларда). Пед.фан.номз... дисс.автореф. – Т.: 2011. -25 б.

Диссертацияни ёзиш жараёнида номлари кўрсатилган ва бошқа бир қатор ўзбек ҳамда жаҳон педагогларининг илмий изланишлари эътиборга олинди. Тадқиқотимизда мазкур йўналишда бажарилган ишлардан фарқли равишда, Талабаларни бағрикенглик руҳида тарбиялашда маънавий-маърифий тадбирлар самарадорлигини оширишнинг педагогик асослари тадқиқ этилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация Бухоро давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасининг «Илмий тадқиқот фаолиятини ривожлантириш ва илмий салоҳиятни оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар» (2017–2021 йй.) режасининг 2.5- банди доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади талаба ёшларни бағрикенглик руҳида тарбиялашда маънавий-маърифий тадбирлар самарадорлигини оширишнинг педагогик механизмларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

талаба ёшларни бағрикенглик руҳида тарбиялашда маънавий-маърифий тадбирлар самарадорлигини оширишнинг педагогик асосларини таҳлил ва тадқиқ қилиш;

талаба ёшларни бағрикенглик руҳида тарбиялашда маънавий-маърифий тадбирлар самарадорлигини оширишнинг интегратив моделини такомиллаштириш;

талаба ёшларни бағрикенглик руҳида тарбиялашда маънавий-маърифий тадбирлар самарадорлигини ошириш компонентлари ва мезонларини аниқлаштириш;

талаба ёшларни бағрикенглик руҳида тарбиялашда маънавий-маърифий тадбирлар самарадорлигини ошириш технологиялари ва кўрсаткичларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида олий таълим муассасалари талаба ёшларини бағрикенглик руҳида тарбиялашда маънавий-маърифий тадбирлар самарадорлигини ошириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Бухоро давлат университети, Қарши давлат университети ва Урганч давлат университетининг 342 нафар талабалари танланган.

Тадқиқотнинг предметини олий таълим муассасалари талаба ёшларини бағрикенглик руҳида тарбиялашда маънавий-маърифий тадбирлар самарадорлигини оширишнинг мазмуни, модели, шакли ва воситалари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда педагогик кузатув, қиёсий таҳлил, тажриба-синов, моделлаштириш, сўровнома, мониторинг, математик-статистик таҳлил каби тадқиқот ва таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

маънавий-маърифий тадбирларни ташкил қилишда умумий, махсус ва шахсий-индивидуал хусусиятлари жамият ижтимоий буюртмаси билан

тегишли таълим йўналиши малака талабларини ўзаро уйғунлигини таъминлаш асосида такомиллаштирилган;

талаба ёшларни бағрикенглик руҳида тарбиялашда маънавий-маърифий тадбирлар самарадорлигини оширишнинг интегратив модели ижтимоий-психологик тренинглари, «ишбоп ўйин»лар, социодрамага асосланган ижодий, мустақил фаолиятни ташкил этишнинг имитацион усулларини қўллашнинг педагогик шартлари асосида аниқлаштирилган;

талабаларнинг коммуникативлиги ва ижтимоий таъсирчанлиги маънавий-маърифий тадбирлар самарадорлигини оширишнинг инструментал, мотивацион, когнитив, продуктив, рефлексив-баҳоловчи компонентлари асосида такомиллаштирилган;

талабаларнинг аудиториядан ташқари ижтимоий лойиҳалардаги волонтерлик фаолияти даражаси маънавий-маърифий тадбирлар самарадорлигини оширишда коллаборатив ҳамкорликни таъминлаш асосида такомиллаштирилган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

олий таълим муассасалари талаба ёшларини бағрикенглик руҳида тарбиялашда маънавий-маърифий тадбирлар самарадорлигини ошириш мезонлари, кўрсаткичлари ва даражаларини аниқлаштириш асосида шахсий ва касбий сифатларни баҳолаш механизми ишлаб чиқилган ва эмпирик тадқиқ қилинган;

олий таълим муассасалари талаба ёшларини бағрикенглик руҳида тарбиялашда маънавий-маърифий тадбирлар самарадорлигини оширишга доир тренинг машғулотлари мажмуи ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган;

компетенциявий ва акмеологик ёндашув асосида олий таълим муассасалари талаба ёшларини бағрикенглик руҳида тарбиялашда маънавий-маърифий тадбирлар самарадорлигини оширишнинг педагогик шарт-шароитлари такомиллаштирилган ҳамда ўқув-тарбия амалиётига тадбиқ этилган;

олий таълим муассасалари талаба ёшларини бағрикенглик руҳида тарбиялашда маънавий-маърифий тадбирлар самарадорлигини оширишнинг волонтерлик фаолиятини йўлга қўйиш асосида ижтимоий лойиҳалар ишлаб чиқилган ва давлат ташкилотлари билан ҳамкорликда амалга оширилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув, усул ва назарий маълумотларнинг ишончли илмий манбалардан олинганлиги; келтирилган таҳлиллар педагогик кузатув, мониторинг, сўровнома, тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик-статистик методлар воситасида асосланганлиги; мавзу юзасидан чоп этилган ўқув услубий қўлланма, республика ва халқаро миқёсдаги илмий нашриётларда эълон қилинган мақолаларда келтирилган назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги; олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олий таълим муассасалари талаба ёшларини бағрикенглик руҳида тарбиялашда маънавий-маърифий тадбирлар самарадорлигини оширишда узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш механизмларининг асосланганлиги, интерфаол метод, шакл ва воситаларни қўллашга доир тавсиялар ишлаб чиқилганлиги, уларни тажриба-синовдан ўтказилганлиги, диагностик мезонлар ва кўрсаткичларининг аниқлаштирилганлиги, талаба ёшларни бағрикенглик руҳида тарбиялашда маънавий-маърифий тадбирлар самарадорлигини ошириш изчиллигининг таклиф этилган мезонларга мослиги таъминланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти олий таълим муассасаларида «Умумий педагогика», «Ижтимоий педагогика», «Маънавий-маърифий ишларни ташкил қилиш методикаси», «Миллий ғоя ва маънавиятнинг педагогик асослари», «Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар», «Педагогик маҳорат», «Педагогика назарияси ва тарихи» фанларининг мазмунини такомиллаштиришга хизмат қилади. Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган методик ва дидактик таъминотдан олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари таркибини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Олий таълим муассасалари талаба ёшларини бағрикенглик руҳида тарбиялашда маънавий - маърифий тадбирлар самарадорлигини оширишнинг педагогик асосларини аниқлаш жараёнида эришилган илмий натижалар асосида:

маънавий-маърифий тадбирларни ташкил қилишда умумий, махсус ва шахсий-индивидуал хусусиятлари жамият ижтимоий буюртмаси билан тегишли таълим йўналиши малака талабларини ўзаро уйғунлигини таъминлаш асосида такомиллаштиришга оид материаллардан Республика Маънавият-марифат марказининг 2020 йилга мўлжалланган «Йўл харитаси» нинг III боб 44-банди «Юртимиздаги турли миллат ва элат, дин ва эътиқод вакиллари мамлакатимизда озод ва обод Ватан барпо этиш учун бирлаштириш, халқларни ўзаро ҳурмат ва ҳамкорликка чорлаш, умуминсоний тамойилларга айланган ғояларни кенг тарғиб этиш» мақсадида «Ўзбекистон - умумий уйимиз», «Ўзбекистон - бағрикенг диёр» каби маърифий тадбирларни ташкил қилишда кенг фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2020 йил 27 августдаги 02/07-730-сонли маълумотномаси). Натижада маънавий-маърифий тадбирларни тизимли ташкил қилиш, ёшларни бағрикенглик руҳида тарбиялашда тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш ишлари такомиллашган.

талаба ёшларни бағрикенглик руҳида тарбиялашда маънавий-маърифий тадбирлар самарадорлигини оширишнинг интегратив модели ижтимоий-психологик тренинглар, «ишбop ўйин»лар, социодрамага асосланган ижодий, мустақил фаолиятни ташкил этишнинг имитацион усулларини қўллашнинг педагогик шартлари асосида аниқлаштирилган материаллардан 5111600-

Миллий ғоя, маънавий асослари ва ҳуқуқ таълими йўналишида ўқитиладиган «Маънавий-маърифий ишларни ташкил қилиш методикаси» фанидан услубий қўлланмалар ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 12 февралдаги 89-03-875-сонли маълумотномаси). Натижада талаба ёшларни бағрикенглик руҳида тарбиялашда маънавий-маърифий тадбирлар самарадорлигини оширишнинг интегратив модели такомиллаштирилган.

талабаларнинг коммуникативлиги ва ижтимоий таъсирчанлиги маънавий-маърифий тадбирлар самарадорлигини оширишнинг инструментал, мотивацион, когнитив, продуктив, рефлексив-баҳоловчи компонентлари асосида такомиллаштиришга оид тавсиялардан Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг «Менга сўз беринг», «Ёшлар вақти», «Эртамиз эгалари» каби телекурсувларни тайёрлашда фойдаланилган (Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг 2020 йил 10 сентябрдаги 1/229-сонли маълумотномаси). Натижада маънавий-маърифий тадбирлар самарадорлигини ошириш орқали талабаларни бағрикенглик руҳида тарбиялашда мотивацион, когнитив ва коммуникатив малакалар ривожлантирилган.

талабаларнинг аудиториядан ташқари ижтимоий лойиҳалардаги волонтерлик фаолияти даражаси маънавий-маърифий тадбирлар самарадорлигини оширишда коллаборатив ҳамкорликни таъминлаш асосида такомиллаштиришга оид материаллардан «Бағрикенг Ўзбекистон» ёшлар фестивалини ташкил этишда фойдаланилган (Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг 2020 йил 28 августдаги 04-13/2273-сонли далолатномаси). Натижада талабаларнинг бағрикенгликка асосланган мустақил фаолият юритиши ва маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этиш самарадорлиги ошган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 1 та ўқув-услубий қўлланма, 1 та услубий қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та илмий мақола (жумладан, 4 та республика ва 2 та хорижий журналларда) нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Асосий матн 131 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси

баён этилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «Талаба ёшларни бағрикенглик руҳида тарбиялашда маънавий-маърифий тадбирлар самарадорлигини оширишнинг назарий-методологик асослари» деб номланган биринчи бобида талаба ёшларни бағрикенглик руҳида тарбиялашда маънавий-маърифий тадбирлар самарадорлигини ошириш юксак интеллектуал ва касбий етук шахсларни шакллантириш омили эканлиги илмий-педагогик нуқтаи назардан таҳлил қилинган.

Бағрикенглик ўзбек халқининг энг олийжаноб фазилатларидан биридир. Ушбу тушунча кенг маънони англатиб, уни турли хил талқин қилиш мумкин.

Бағрикенглик - ўзгаларга нисбатан меҳр-мурувватлилик, ғамхўрлик, саҳийлик каби маънавий фазилатларни ифодаловчи тушунча.

Бағрикенглик ўзгаларнинг дунёқараши, диний эътиқоди, миллий ва этник хусусиятлари, муомала ва муносабатда камситиш ва таҳқирлашга йўл қўймаслик, инсонийликни ҳамма нарсадан устун ҳисоблаб, жамоада, маҳалла-қўйда бунга риоя этишни англатади.⁵

Ушбу тушунча кенг дунёқараш, самимий муносабат, ҳур фикр, виждон ва эътиқод асосида вужудга келади. У фақат маънавий бурчгина эмас, сиёсий ва ҳуқуқий эҳтиёж ҳамдир.

Халқимизга азалдан хос бўлган хислат-бағрикенглик ўз-ўзидан қисқа фурсатда пайдо бўлган эмас, у биз учун анъанавийдир. Тарихга назар ташласак, ҳозирги Ўзбекистон худуди инсонларда илк диний тасаввурлар ва ақидалар пайдо бўлган энг қадимги ўлкалардан биридир.

Инсоний фазилат анъаналари қадимданоқ айнан Шарқ халқларига хос хусусият бўлиб, у ҳозирги давргача авлодлар томонидан сақланиб, давом этиб келмоқда. Шарқ мутафаккирлари Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, буюк давлат арбоблари Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодида бағрикенглик ўз-ўзини англаш, мураса билан яшаш, ўзаро ҳурмат, сабр-тоқат, қаноат, шукр, кечиримлилик, чидамлилик, бир-бирини қадрлаш, холислик, саҳоватли бўлиш, раҳмдиллик, меҳр-оқибат каби инсоний фазилатлар орқали намоён бўлишини таъкидлайдилар ва ўз асарларида бу ҳақида кенгроқ ёритиб берадилар.

Инсоният учун энг катта бойлик тинчликдир, тинчликнинг манбаи эса аҳиллик ва ҳамжиҳатликдир. Ўзаро тотувлик ва дўстлик, бағрикенглик ва инсонпарварлик тамойиллари барқарор гўшадагина инсон эмин-эркин яшайди, ҳар қандай орзусига эришади. Шу жиҳатдан қараганда, бизнинг энг

⁵ Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. Т.; «Ғафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи». 2013 й. 35 бет

катта бойлигимиз, энг асосий ютуғимиз, Юртбошимиз уқтирганидек, аввало, Ватанимиз осмонининг мусаффолиги, жамиятимизда ҳукм сураётган миллатлар ва фуқаролараро аҳиллик ва ҳамжихатлик, дўстлик ва бирдамлик муҳитидир. Бундай бебаҳо неъматларнинг қадрига етиш ҳамда турли миллат ва элатлар вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил-иноқ яшаётган Ватанимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, кимлигимиздан қатъи назар, барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.


Бу ҳақда, фикр юритганда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев қайд этганидек: «Маълумки, бизнинг қадимий ва саховатли заминимизда кўп асрлар давомида турли миллат ва элат, маданият ва дин вакиллари тинч-тотув яшаб келган. Меҳмондўстлик, эзгулик, қалб саховати ва том маънодаги бағрикенглик бизнинг халқимизга доимо хос бўлган ва унинг менталитети асосини ташкил этади»⁶.

Таниқли маърифатпарвар адиб, педагогик фикр тараққиётига салмоқли хисса қўшган педагог олим Абдулла Авлоний бағрикенглик бўлмаса, қандай оқибатлар келиб чиқиши ҳақида гапирар экан, жумладан шундай дейди: «Қайси бир миллатнинг орасида бирлик кўтарилиб, нифоқ ва адоват ҳукм сурган бўлса, ул қавмнинг инқироз дунёсига юзланганлиги тарих саҳифаларидан маълумдур». Авлоний бу сўзлари билан бағрикенглик давлат ва жамият ривожини учун нечоғлиқ аҳамиятли эканлигини исботлаган.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб бағрикенглик ва инсонпарварлик маданиятини ривожлантириш, миллатлараро ва конфессиялараро ҳамжихатликни, жамиятда фуқаролар тотувлигини мустаҳкамлаш, барча фуқароларга миллати ва диний эътиқодидан қатъи назар, тенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратиш, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган.

Рақобатбардош кадрлар тайёрлаш жараёни кўп жиҳатдан талабаларни бағрикенглик руҳида тарбиялаш асосида ўзини-ўзи ташкиллаштириш, ўзини-ўзи ривожлантириш, ўзини-ўзи намоён этиш қобилиятига эга фуқарони тарбиялашга боғлиқдир. Шунингдек, тадқиқот натижалари асосида талаба ёшларни бағрикенглик руҳида тарбиялашда маънавий-маърифий тадбирлар самарадорлигини ошириш ижтимоий буюртма ва малака талаблари натижаларининг ўзаро мувофиқлигини таъминлашга йўналтирилган, ҳаётий зарур, шахслилик хусусиятларини намоён этиш асосида таълим олувчи ва бутун жамоа учун зарур ижтимоий қадриятларга йўналганликка эга амалий фаолиятни ташкил этиш имконини берувчи педагогик жараён деган хулосага келинди. Шу билан бирга, тадқиқот жараёнида талаба ёшларни бағрикенглик руҳида тарбиялашда ахлоқий, иродавий сифатлар, эмоционал хислатларнинг намоён бўлиши ва кўринишлари ҳам тадқиқ этилди (1-расм).

⁶Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимининг қатъият билан давом эттириб янги босқичга кўтарамиз. -Т; “Ўзбекистон”. 2017. 295 бет



1-расм. Талаба ёшларни бағрикенглик руҳида тарбиялаш компонентлари

Тадқиқот жараёнида талаба ёшларни бағрикенглик руҳида тарбиялашда маънавий-маърифий тадбирлар самарадорлигини ошириш нафақат педагогик муаммо, балки муҳим ижтимоий аҳамият ҳам касб этиши ҳақидаги хулосага келинди.

Диссертациянинг «Талаба ёшларни бағрикенглик руҳида тарбиялашда маънавий-маърифий тадбирлар самарадорлигини оширишнинг педагогик шарт-шароитлари» деб номланган иккинчи бобида талаба ёшларни бағрикенглик руҳида тарбиялашда маънавий-маърифий тадбирлар самарадорлигини оширишга доир компетенцияларни шакллантириш тизими, акмеологик ёндашув асосида талабаларни бағрикенглик руҳида тарбиялашда маънавий-маърифий тадбирлар самарадорлигини оширишнинг интегратив модели ишлаб чиқилган ва жараёни ташкил этиш механизмлари илмий таҳлил этилган.

Талаба ёшларни бағрикенглик руҳида тарбиялашда маънавий-маърифий тадбирлар самарадорлигини оширишга доир компетенциянинг муҳим компоненти бўлган кўникмаларни режалаштириш, индивидуал ва жамоа ишини уйғунлаштириш, мотив ҳосил қилиш, гуруҳ фаоллари билан ишлаш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва ҳисобга олиш, ўзини-ўзи назорат қилиш, жамоа аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлаш ва ўз вақтида уларнинг функцияларини мақбуллаштириш каби муҳим жиҳатларни ўз ичига қамраб олади.

«Бағрикенглик педагогикаси» деган тушунча эндиликда тез-тез ишлатилмоқда. Бу тушунча бағрикенглик маконини, мулоқот ва муомала маданиятини шакллантиришни билдиради. Бунда одамлар бир-бирининг кўнглини тушуниб, ташвишларига ҳамдард бўлади, бир-бирига ўзаро ҳамнафаслик туйғуси билан яшайди.

Бағрикенглик фаолияти деганда умумий мақсадга эришиш учун таълим олувчилар гуруҳини уюштиришга йўналтирилган ўзаро алоқадор ҳаракатлар тизими тушунилади.

Бағрикенгликни шакллантириш мақсадида педагогика соҳасида қуйидаги шароитларни яратиш зарур:

- таълим муассасасида ягона бағрикенглик муҳитини яратиш;
- ўқувчилар ва педагогларнинг биргаликдаги ҳамкорлиги орқали тенг ҳуқуқли мулоқотга тайёрлигидан иборат бағрикенглик хислатларини шакллантириш;
- фаол таълим усулларининг турли шаклларидадан фойдаланиш;
- педагоглар ва ўқувчиларнинг муомаладаги (коммуникатив) бағрикенглик кўникмаларини ривожлантириш;
- педагог ходимларнинг психологик педагогика соҳасидаги билимдонлигини ошириш дастурини рўёбга чиқариш;
- бағрикенглик муаммосига оид маълумотлилик савиясини кўтариш мақсадида ўқувчиларга дарс бериш савиясини ошириш.⁷

Бағрикенглик сифатлари, ўз навбатида, бир қатор қобилиятларнинг акс этиши билан боғлиқдир.

Шахсий аутопсихологик қобилиятларга қуйидагилар киради:

умумий – ўз-ўзига муносабат, ўзини-ўзи бошқаришга қодирлик;

билишга доир – ривожланиш психологияси ва фақат инсонгагина хос юқори онг даражаси сифатидаги интеллект;

когнитив – ижодий фаолиятнинг акмеологик мазмунида когнитивлик ўз-ўзини англаш ва касбий фаолиятнинг ўзаро ҳаракатида акс этади;


креатив – ижодий вазифаларни ностандарт ҳал этиш йўллариини излаб топиш, янги тимсолларни тасаввур қилиш ва яратиш;

ижтимоий-перцептив – ижтимоий-перцептивлик акмеологик мазмунда ўз-ўзини баҳолашнинг шахслараро ўзаро ҳаракатида акс этади;

эмпатияга доир – эмоционал таъсирга берилувчанлик, эмоционал таъсирларга мослашувчанлик.

Тадқиқотимиз давомида талаба ёшларни бағрикенглик руҳида тарбиялашда маънавий-маърифий тадбирлар самарадорлигини оширишнинг интегратив модели ишлаб чиқилганлиги ва амалиётга тадбиқ этилганлиги аҳамиятлидир. Мазкур моделда талаба ёшларни бағрикенглик руҳида тарбиялашнинг педагогик мазмуни, маънавий-маърифий тадбирлар самарадорлигини оширишга доир ёндашувлар ва инновацион технологиялар ўз аксини топган. Ушбу моделнинг амалиётга жорий этилиши натижаси маънавий-маърифий тадбирлар самарадорлигини ошириш орқали бағрикенглик руҳида тарбияланган шахс ҳисобланади.(2-расм)

⁷Белолева Г.В., Шмелева Г.М. Толерантность в педагогике. М., 2002й. 69-бет



2-расм. Талаба ёшларни бағрикенглик руҳида тарбиялашда маънавий-маърифий тадбирлар самарадорлигини оширишнинг интегратив модели

Моделда тасвирланган акмеологик нуқтаи назардан бағрикенгликка доир компетенциялар тизими ривожининг тезлиги, натижавийлиги, ўзига хослигини, бундан ташқари, талаба ёшларни бағрикенглик руҳида тарбиялашда маънавий - маърифий тадбирлар самарадорлигини оширишга доир фаолиятни идрок этиш, амалиётга татбиқ этиш қобилиятини ҳамда мазкур жараённинг амалга ошишини таъминловчи психологик механизм—рефлексияни тавсифлаш учун таянч тушунча вазифасини бажаради.

Тажриба-синов ишлари натижасида талабаларда бағрикенгликка доир компетенцияларни шакллантириш мезонлари сифатида қуйидагилар аниқланди:

мотивацион (бағрикенгликка доир компетенцияларни эгаллаш, бағрикенглик фаолиятини амалга оширишга доир мотивлар тавсифи);

когнитив (шахс ва жамоанинг ўзига хосликлари, бағрикенгликка доир ўқув фаолиятининг мақсад, вазифаларини тушуниш, бағрикенгликка доир фаолият мазмуни, тузилиши ва технологиясига доир билимлар);

фаолиятга доир (ишни режалаштириш, индивидуал ва жамоа ишини уйғунлаштириш, мотив ҳосил қилиш, гуруҳ фаоллари билан ишлаш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва ҳисобга олиш, ўз-ўзини назорат қилиш);

шахсий-индивидуал (ижтимоий таъсир кўрсатишга қобилиятлилик, талабчанлик, танқидийлик, қабул қилинган меъёрлардан оғишишни таҳлил этиш қобилияти).

Герменевтик нуқтаи назардан талаба ёшларда бағрикенглик маданиятини шакллантиришда шахс фаоллигининг ички потенциалига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ана шу сабабли педагогик таъсир талабанинг ўз-ўзини англаш жараёнидаги тартибсиз ҳаракатланишни эътиборга олиши, табиий ҳаракатлар ва фаолликнинг юқори даражаси билан ҳам мослашиши зарур.

Талаба ёшларни бағрикенглик руҳида тарбиялашда герменевтик тарбия технологияларидан фойдаланиш, уларнинг ички кечинмалари, хотиралари, тасаввурлари ва орзу-мақсадларини фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Мазкур ҳолатда талабаларнинг вербал ижод намуналари педагог томонидан бағрикенглик сифатларига эга шахснинг қадриятлар тизими сифатида қабул қилиниши мақсадга мувофиқ. Герменевтик ёндашув асосида талаба ёшларни бағрикенглик руҳида тарбиялашда уларнинг ҳаёт маъносини англаши, индивидуалликнинг тўлиқ намоён бўлишини ҳисобга олиш лозим, деган хулосага келинди.

Диссертациянинг «Талаба ёшларни бағрикенглик руҳида тарбиялашда маънавий-маърифий тадбирлар самарадорлигини оширишга доир тажриба-синов ишларининг ташкил этилиши» деб номланган учинчи бобида талаба ёшларни бағрикенглик руҳида тарбиялашда маънавий-маърифий тадбирлар самарадорлигини оширишга доир тажриба-синов ишлари мазмуни ва натижалари ёритиб берилган. Шакллантирувчи

тажриба-синов учун дастурий-услубий материал ва уни жорий этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Бухоро давлат университети, Қарши давлат университети ва Урганч давлат университети базасида ўтказилган асословчи тажриба-синов ишлари натижалари талабаларда касбий ва шахсий аҳамиятга эга ҳамда касбий фаолият соҳасидан қатъи назар эгаллаш талаб этиладиган бағрикенгликни ривожлантиришда айрим камчиликлар мавжудлигини кўрсатди.

Талаба ёшларни бағрикенглик руҳида тарбиялашда маънавий- маърифий тадбирлар самарадорлигини оширишнинг шаклланганлигини ташхис этиш жараёни сўровномалар, тестлар, анкета саволлари, талабалар фаолиятини кузатиш орқали амалга оширилди. Шакллантирувчи тажриба - синов ишлари яқунлангач, тажриба ва назорат гуруҳида талаба ёшларни бағрикенглик руҳида тарбиялашда маънавий-маърифий тадбирлар самарадорлигини оширишнинг аҳамияти таҳлил этилди.

Бизнинг талаба ёшларни бағрикенглик руҳида тарбиялашда маънавий-маърифий тадбирлар самарадорлигини оширишга доир тадқиқот ишимиз 2018-2020 йилларда олиб борилди. Тажриба-синов ишлари БухДУнинг «Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими», «Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш» йўналиши талабалари, ҚарДУнинг «Педагогика-психология» йўналиши талабалари, УрДУнинг «Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш» йўналиши талабалари иштирокида амалга оширилди.

Тажриба гуруҳидаги ва назорат гуруҳидаги самарадорлик Студент-Фишер танланмали мезони асосида текширилди.

Тажриба ва назорат гуруҳи талабаларини бағрикенглик руҳида тарбиялашда маънавий-маърифий тадбирлар самарадорлигининг ривожланганлик даражаси 1-жадвалда келтириб ўтилган.

1-жадвал

Талаба ёшларни бағрикенглик руҳида тарбиялашда маънавий-маърифий тадбирлар самарадорлигининг ривожланганлик даражаси (тажрибадан сўнг)


Даражалар	Бағрикенглик ҳақида билим, кўникма ва малакага эга бўлганлик даражаси		Талабаларда бағрикенглик компонентлари шаклланганлиги даражаси		Маънавий-маърифий тадбирлар самарадорлиги натижалари	
	Тажриба	Назорат	Тажриба	Назорат	Тажриба	Назорат
I юқори	41,8 %	21,5 %	26,8 %	17,9 %	11,8 %	3,5 %
II ўрта	34,2 %	28,6 %	22,8 %	17,9 %	45,8 %	28,4 %
III ўртадан паст	15,4 %	32,3 %	30,8%	32,1 %	34,6 %	42,5 %
IV паст	7,8 %	17,6 %	20,8%	31,5 %	7,8 %	25,6 %

Жадвалдаги кўрсаткичлар тажриба гуруҳи талабаларини бағрикенглик ҳақидаги билим, кўникма ва малакага эғалигининг юқори даражаси назорат гуруҳидагидан 20,3%, бағрикенглик компонентлари шаклланганлиги 8,9 %, талаба ёшларни бағрикенглик руҳида тарбиялашда маънавий-маърифий тадбирлар самарадорлиги натижалари 8,3 % юқори эканлигини;

тажриба гуруҳи талабаларини бағрикенглик ҳақидаги билим, кўникма ва малакага эғалигининг ўрта даражаси назорат гуруҳидагидан 5,6 %, бағрикенглик компонентлари шаклланганлиги 4,9 %, талаба ёшларни бағрикенглик руҳида тарбиялашда маънавий-маърифий тадбирлар самарадорлиги натижалари 17,4 % юқори эканлигини;

тажриба гуруҳи талабаларини бағрикенглик ҳақидаги билим, кўникма ва малакага эғалигининг ўртадан паст даражаси назорат гуруҳидагидан 16,9 %, бағрикенглик компонентлари шаклланганлиги 1,3 %, талаба ёшларни бағрикенглик руҳида тарбиялашда маънавий-маърифий тадбирлар самарадорлиги натижалари 7,9% паст эканлигини;

тажриба гуруҳи талабаларини бағрикенглик ҳақидаги билим, кўникма ва малакага эғалигининг қуйи даражаси назорат гуруҳидагидан 9,8 %, бағрикенглик компонентлари шаклланганлиги 10,7 %, талаба ёшларни бағрикенглик руҳида тарбиялашда маънавий-маърифий тадбирлар самарадорлиги натижалари 17,8 % пастлигини кўрсатди.(3-расм)



3-расм. Тажриба- синов ишларининг таққослама самарадорлик кўрсаткичлари

